1925-YILDAN
CHIQA BOSHLAGAN

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

2018-YIL 18-YANVAR, PAYSHANBA

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

7 (16165)

Biz – kelajak bunyodkorimiz!

YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАҲСУЛОТ ВА ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ БИЛАН БАРҚАРОР ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда валюта сиёсатини либераллаштириш, реал бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда нархни шакллантиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, соғлом рақобат ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида комплекс чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги "Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5303-сон Фармонига мувофиқ мамлакатга озиқ-овқат товарларини олиб кириш бўйича айрим субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференцияларнинг бекор қилиниши носоғлом рақобат, айрим маҳсулот турлари импортининг монополлаштирилиши, нархнинг сунъий оширилиши, оқибатда, бу асосда асоссиз фойда кўришга кўмаклашувчи шарт-шароитларга барҳам бериш борасида муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, баъзи тизимли муаммоларнинг мавжудлиги кўзланган чора-тадбирларни самарали амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда, айрим маҳсулот ва хом ашё турлари тақчиллигининг юзага келишига, улар нархининг спекулятив ўсишига ва товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги пасайишига олиб келмоқда. Хусусан:

биринчидан, айрим маҳсулотлар ва хом ашё ресурслари турларини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажмининг етарли эмаслиги зарур захирани шакллантиришни таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишга солиш имконини бермаяпти, бу эса спекулятив операцияларга, охирокибатда, талаб юқори маҳсулот ва хом ашёлар нархининг ўсишига олиб келмоқда;

иккинчидан, юқори ликвидли маҳсулотлар ва хом ашё ресурсларини биржа савдоларида реализация қилишнинг самарали бозор механизмларини жорий этишдаги камчиликлар турли хил суиистеъмолчиликлар учун шарт-шароит яратмоқда;

учинчидан, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш фаолиятини лицензиялашнинг мураккаб тартиб-таомиллари қурилиш материалларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва мазкур соҳага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга тўсқинлик қилмоқда;

тўртинчидан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ва хом ашё ресурслари турларини импорт қилишда божхона божлари ставкасининг юқорилиги улар тақчиллигининг юзага келишига ва нархларнинг асоссиз ўсишига шарт-шароит яратмоқда;

(Давоми 2-саҳифада)

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ҲАР ТОМОНЛАМА МУНОСИБ НИШОНЛАНАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 17 январь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича тайёргарлик ишларини самарали олиб бориш ва ушбу санани ҳар томонлама юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференция алоқа тизими орқали вилоят ҳокимлари, олий ўқув юртлари ректорлари, "Нуроний" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этди.

Маълумки, шу йил 30 январь куни мустақил давлатимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 ноябрда қабул қилинган қарори асосида юртимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида Ислом Каримов мақбара мажмуаси, Қарши шаҳрида эса Биринчи Президентимиз хотирасига бағишлаб ҳайкал бунёд этилмоқда.

Шу билан бирга, Ислом Каримовнинг ғоят серқирра ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этиш бўйича кўплаб маданий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан айни шу мавзуга бағишланган ҳужжатли фильм суратга олинмоқда. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қанча илмий-оммабоп китоблар, жумладан, Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари нашр этилмоқда. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси ва Ислом Каримов хайрия жамоат фонди томонидан ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, март ойида Самарқанд шаҳрида Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб халқаро илмий конференция ўтказиш ва бошқа муҳим тадбирлар бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг Президент сифатидаги бутун ҳаёти ва фаолиятини юртимизда янги давлат, янги жамият барпо этиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга таранним этишдек улуғ мақсадга бағишлади. Халқимиз мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ўзгаришларни ҳақли равишда Биринчи Президентимиз номи билан боғлайди, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев.

Шунинг учун ҳам бу тарихий санани ҳар томонлама юксак даражада ўтказиш бизнинг ўз тарихимизга, мустақиллигимизга бўлган ҳурматимизни, халқ, миллат сифатидаги маданиятимиз ва маънавиятимизни намоён этиши, айнан шунга қараб дунё жамоатчилиги бизга баҳо беришига йиғилишда алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, бундай қутлуғ саналар ўз тарихимиз, миллий ўзлигимизни англашга, халқимиз, айниқса, ёшларимизни эл-юртимизга бутун борлиғини бериб, фидойилик кўрсатиб яшаган улуғ инсонларнинг ибратли фаолиятига ҳар томонлама муносиб этиб, уларнинг эзгу фазилатлари руҳида тарбиялашга хизмат қилиши қайд этилди.

Йиғилишда Бош вазир, юбилей ташкилий қўмитасининг раиси А.Арипов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов, Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси раҳбари Т.Ширинов, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Рўзиев, Самарқанд вилояти ҳокими Т.Жўраев, Наманган вилояти ҳокими Х.Бозоров, Сурхондарё вилояти ҳокими Э.Турдимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниязовнинг ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 80 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, асосий юбилей тадбирларини юксак даражада ўтказиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Юбилей кунларида барча таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, нуронийлар, турли соҳа мутахассислари иштирокида Биринчи Президентимиз хотирасига бағишланган учрашувларни мазмунли ва юқори савияда, таъсирчан руҳда, аниқ ҳаётий мисоллар асосида ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги қайд этилди.

Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ барча маросим ва тадбирларни Биринчи Президентимизнинг Ватанимиз олдидаги унутилмас хизматларига ҳар томонлама муносиб ҳолда ўтказиш бизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир, деб таъкидлади пировардида давлатимиз раҳбари.

ЎзА

"ЁШ ДЕПУТАТЛАР" ҚОНУН "ҚАБУЛ ҚИЛДИ"

TAJRIBA

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда "Тараққиёт стратегияси" маркази ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Парламенти модели" лойиҳаси амалга оширилди.

Р.НАЗАРМАТОВ

Бугунги кунда ёшларни мамлакатимиз парламенти палаталари ва сиёсий партиялар фаолияти билан яқиндан таништириш орқали уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимлари янада оширилмоқда. Шу билан бирга, йигит-қизларда мунозара маданияти шаклланиб, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ислоҳ қилиш жараёнидаги фаол иштироки таъминланяпти.

"Ўзбекистон Республикаси Парламенти модели" лойиҳаси ҳам ушбу йўналишдаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур тадбирда иштирок этиш истагини билдирган 2 минг нафардан ортиқ ёшдан **www.yp.strategy.uz** сайти орқали электрон сўровномалар қабул қилинди. Кейин 150 нафар номзод саралаб олинди.

— Эртамиз эгаларида юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини уйғотиш муҳим вазифа, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Дилноза Каттахонова. — Янги лойиҳа воситасида халқ фаровонлиги, Ватан равнақи учун бор куч-ғайратини, билими ва имкониятларини сафарбар этишга тайёр ёшлар сафини яна кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Лойиҳанинг дастлабки кунида иштирокчилар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ўқув-семинари ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари, регламенти, депутатлик гуруҳлари ва сиёсий партиялар фракцияларини тузиш ҳамда қонунларни қабул қилиш тартиби тўғрисида батафсил маълумот берилди. Қонун ижодкорлиги жараёнида сиёсий партияларнинг тутган ўрни, электорат билан ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам муҳокама қилинди.

Шундан сўнг иштирокчилар Қонунчилик палатасининг фаолияти билан яқиндан танишди. Парламент биносининг ўзида ялпи мажлис ўтказилиб, 150 нафар "ёш депутат" томонидан "Кўнгиллилар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

XALQARO HAMKORLIK

ГЕРМАНИЯ БИЗГА БАҒРИНИ ОЧДИ

Н.БАҲОДИРОВА

Аввал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси Германия Федератив Республикасига ташриф буюрганди. Давомли сафар бугун ўз ниҳоясига етади.

Етти кун мобайнида делегация аъзолари мамлакатдаги нуфузли оммавий ахборот воситалари, соҳа учун кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари, ёшлар масалалари билан шуғулланувчи идора ва ташкилотлар фаолияти билан яқиндан танишди.

Берлин шаҳридаги дастлабки уч кун сермазмун мулоқотларга бой ўтди. Вакилларимиз учун ARD-Германия телеканаллари ассоциацияси, Германия оила, кексалар, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича вазирлиги, Техник кўмаклашиш федерал идорасининг Берлин ёшлар уюшмаси, шунингдек, Федерал ёшлар кенгашида учрашувлар ташкил қилинди.

14 январдаги асосий тадбирлар мамлакатимиз элчихонасида бўлиб ўтди. Делегация аъзолари Германиянинг турли шаҳарларида, қўшни мамлакатларда ўқиётган, илмий изланиш олиб бораётган ва етакчи немис компанияларида меҳнат қилаётган ўзбекистонлик ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказди.

Учрашувда 100 нафардан зиёд ҳамюртимиз қатнашди. Улар билан ўзаро фикр алмашилгач, яшаш ва ўқиш шароитлари, фуқаролик паспорти, хорижга чиқиш ва кириш бўйича виза каби масалаларда муаммолари йўқлиги аниқланди. Ёшларнинг ватанпарварлик ҳисси, ўз салоҳиятини Ўзбекистон тараққиётига бағишлаш иштиёқи ва Ватан олдида бурчдорлик кайфияти юқори экани алоҳида сезилиб турди.

Тадбир якунида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Германиядаги вакили сайланди. Шунингдек, Германиядаги ўзбекистонлик ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга мурожаати қабул қилинди.

Кейинги куни Ўзбекистон делегацияси "Берлин ҳафталиги" газетаси бош муҳаррири Ҳ.Херольд, Медиакоммуникация ва иқтисодиёт олий мактаби президенти, профессор Клаус Шульц, Берлин оммавий ахборот воситалари олий мактаби ректори, профессор Михаел Баутнер билан учрашди.

"Берлин ҳафталиги" газетаси шаҳар жамоатчилиги орасида катта нуфузга эга бўлиб, ҳафтада бир марта 1,5 миллион нусхада чоп этилади. Нашрнинг онлайн версияси, шунингдек, болаларга мўлжалланган махсус иловаси ҳам мавжуд.

Делегациямиз томонидан таҳририятда ўзбекистонлик ёш журналистларнинг қисқа муддатли малака оширишини ташкил этиш таклиф қилинди. Зеро, "Берлин ҳафталиги"нинг ўзини ўзи таъминлаш ва нашрни бепул тарқатиш бўйича илғор тажрибаси Ёшлар иттифоқи муассислигидаги газета ва журналлар фаолиятини ривожлантиришда қўл келиши мумкин.

Медиакоммуникация ва иқтисодиёт олий мактаби (у хусусий олий таълим муассасаси мақомига эга) раҳбарияти билан кечган муҳокамалар чоғида келгусида Ўзбекистон медиабозори учун аниқ эҳтиёж ва талабдан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш йўналишида ҳамкорлик Меморандумини имзолаш ва шу аснода ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишга келишиб олинди.

Берлин оммавий ахборот воситалари олий мактаби раҳбарияти ҳам Ўзбекистон томони билан амалий ҳамкорлик қилишга жиддий қизиқиш билдирди. Талабалар алмашинувини йўлга қўйиш, юртимизда германиялик мутахассисларнинг маҳорат дарсларини ташкил этиш, университет талабалари томонидан Ўзбекистоннинг туризм маршрутлари юзасидан махсус кўрсатувлар тайёрлаш каби масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

MUNOSABAT

ЭЛЧИ ТАДБИРКОРГА МАДАДКОР

Исломжон ҚУТФИТДИНОВ,
"Imron textile group" хусусий корхонаси раҳбари

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ташқи ишлар вазирлиги ва мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчихоналари фаолиятига бағишланган видеоселектор йиғилишдаги нутқи тарихий воқеа бўлди.

Айниқса, Юртбошимизнинг: "Биз ҳар бир элчихонага мамлакатимизнинг муайян ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда йирик корхоналарни бириктириб қўйишга қарор қилдик. Бу ўз навбатида экспорт ва туризмни ривожлантириш, инвестиция, бизнес кооперацияни кучайтириш бўйича аниқ лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал қилиш имконини беради", — деган гапи биз, тадбиркорларга ўзгача кўтаринки руҳ бағишлади.

Эҳтимол, бу сўзларнинг маъно-мазмунини ўша вақтда тўла англаб етмагандирман. Лекин бир муддат ўтгач, ҳар бирини мулоҳаза қилиб, шундай хулосага келдим: Элчиларимиз Президент истаётгандек ишлай бошласа тез фурсатда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиз ижобий томонга ўзгаради.

Фикримни тадбиркорлик фаолиятим мисолида тушунтирсам. Айни пайтда корхонада ишлаб чиқараётган трикотаж маҳсулотларини Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қиляпмиз. Маҳсулот сифати, миқдорини янада ошириш учун Туркия ва Хитойдан янги технологияларни олиб келмоқчиман. Қани энди элчиларимиз ушбу ишда менга ёрдам берса. Ўйлайманки, ёрдам беради ҳам! Негаки, элчи ўзи хизмат қилаётган мамлакатдаги шароитларни яхши билади, сўнгги янгиликлардан хабардор. Демак, у бизга арзон, сифатли технологияни тавсия қилиши мумкин. Асосийси, бу шунчаки икки тадбиркорнинг муносабати бўлмай, дипломатик алоқа тусини олади. Қарабсизки, хорижий ҳамкорларимизда бизга ишонч кучаяди. Ўзаро ҳурмат ҳисси ошади.

Қолаверса, соҳага оид ҳали биз билмаган жиҳатлар бўлиши мумкин. Элчиларимиз шу ҳақда маълум қилса янаям яхши. Бундай ёндашув ривожланган мамлакатлар билан ҳамқадам бўлишга имкон яратади.

Элчилар мададкор бўлса, тадбиркорларнинг иши янада юришиб, халқ фаровон ҳаёт кечиришига шахсан менинг ишончим комил.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРМОҚЛАРИНИ ТАЛАБ ЮҚОРИ БЎЛГАН МАҲСУЛОТ ВА ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ БИЛАН БАРҚАРОР ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

бешинчидан, энергия самарадор технологияларни жорий қилган корхоналар учун рағбатлантирувчи механизмларни ишлаб чиқиш муддатларининг чўзилиши тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини кўпайтирмоқда.

Иқтисодиёт тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот, хом ашё ва материаллар турлари билан барқарор таъминлаш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан янада самарали фойдаланиш, шунингдек, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 ноябрдаги "Ёқилғи-энергетика ресурслари ҳамда бошқа юқори ликвидли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида рақобат муҳитини такомиллаштириш, суиистеъмолчиликлар ва талон-торожликлар шароитини тугатиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–3386-сон қарорига мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб монополист корхоналар томонидан 27 номдаги юқори ликвидли маҳсулотларни фақат биржа савдоси орқали бозор тамойиллари асосида сотиш тартиби жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) қуйидагилар биржа савдоларида реализация қилинади:

экстракцион бензин, мис катоди, мис катанкаси, иккиламчи алюминий, металл рух, чорва озуқаси учун буғдой – фақат туман (шаҳар) ҳокимликлари хулосасига мувофиқ уларни кейинчалик қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларига эга бўлган корхоналарга;

техник чигит – фақат мазкур қарорнинг 1-иловасида кўрсатилган ва ушбу уруғликни ишлаб чиқариш жойида жойлашган "Ўзпахтаёғ" АЖнинг ёғ-мой корхоналарига;

б) қуйидагилар, истисно тариқасида, белгиланган нархлар асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилинади:

автомобиль бензини – бюджет ташкилотлари ва автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларига;

дизель ёқилғиси – бюджет ташкилотлари, давлат буюртмаси бўйича пахта хом ашёси ва ғалла етиштириб берувчи фермер хўжаликлари, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ, маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб кетиш бўйича давлат корхоналарига;

кўмир – бюджет ташкилотлари, аҳоли ва "Ўзбекэнерго" АЖ корхоналарига;

аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларига мўлжалланган пахта ёғи – 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдордаги чакана устамани ўз ичига олган белгиланган нарх бўйича кейинчалик тақсимлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган улгуржи ва чакана корхоналарга, давлат стратегик захирасини шакллантириш учун – белгиланган нарх бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасига;

в) пахта толаси уни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган маҳаллий тўқимачилик корхоналарига биржа савдолари орқали, "Давлат белгиси" ДИЧБ, "Ўзпахтасаноат" АЖ ва Ўзбекистон кўрлар жамияти корхоналари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармаси муассасаларига технологик эҳтиёж ва мавжуд ишлаб чиқариш қуввати доирасида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилинади;

г) пахта чигити шелухаси ва шроти амалдаги биржа устамалари ва ҳажмларни тақсимлаш тартиби сақланган ҳолда биржа савдоларида реализация қилинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда юқори ликвидли маҳсулот турларини реализация қилиш бўйича товар-хом ашё биржалари фаолиятининг ўрганилишини, нархлар асоссиз ўсишига йўл қўймаслик, иштирокчиларнинг биржа савдоларида эркин қатнашишини таъминлаш, биржа савдоларининг электрон тизимларидан рухсатсиз фойдаланишдан самарали ҳимоя қилиш бўйича таклифлар тайёрлашни ташкил этсин.

4. Норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси тугатилиб, норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш ваколати Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензияларни олиш буюртмаларини кўриб чиқиш муддати 20 кунгача қисқартирилади;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензия олишда мурожаат қилувчининг устав фондига қўйилган талаб буюртма тақдим этилган вақтда қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баравари миқдорини ташкил этади;

норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кон ажратмаларини бериш ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ишчи лойиҳа тақдим этилган кундан бошлаб 10 кун давомида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бир ой муддатда норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар беришнинг янгиланган тартиби ишлаб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда киритилишини таъминласин.

5. Маҳаллий корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш назарда тутилган ўзида ишлаб чиқарилган товар (иш, хизмат)ларни етказиб беришга тўғридан-тўғри битимлар шартида норезидентлар билан хорижий валютада шартномалар тузиш тартиби бекор қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси, Бош прокуратура, "Ўзқурилишматериаллари" АЖ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда норуда фойдали қазилмалар конларидан фойдаланилишини танқидий ўргансин ҳамда қуйидагиларни ҳам назарда тутган ҳолда уларни ўзлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар киритсин:

ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва муқобил энергия манбаларини жорий этиш орқали, шу жумладан норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг энергия сиғимини камайтириш йўли билан харажатларни оптималлаштириш;

муқобил қум-шағал конларини тез суръатларда қазиш ва ўзлаштириш;

норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкалари ҳақида тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилиш.

7. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 декабрдаги 1025-сон қарори иловасининг 1-бандида кўрсатилган табиий газ истеъмолчи ташкилотларга нисбатан табиий газни реализация қилишда нарх белгилашнинг алоҳида тартиби татбиқ этилмайдиган истеъмолчилар учун белгиланган амалдаги тарифга нисбатан 1,6 коэффициент қўлланилган ҳолда тўлаш тартиби 2018 йил 1 апрелга қадар амалда бўлади.

"Ўздавэнергоназорат" ва "Ўздавнефтгазинспекция" давлат инспекциялари, "Энергия тежаш миллий компанияси" АЖ "Ўзстандарт" агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда 2018 йил 15 февралга қадар муддатда корхоналарга улар томонидан қўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатдан самарадорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги, шунингдек, ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосалар бериш тартибининг ишлаб чиқилиши ва амалга киритилишини таъминласин.

8. "Ўзқурилишматериаллари" АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбекэнерго" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари 2-иловага мувофиқ қурилиш материаллари асосий турларини ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

9. 2019 йил 1 январга қадар муддатга импорт қилишда божхона тўловлари тўлаш бўйича имтиёз бериладиган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) маҳсулот, хом ашё ва материаллар турларининг рўйхати 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда талаб юқори бўлган, биринчи навбатда, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли ҳажмда ишлаб чиқарилмайдиган маҳсулот ва хом ашёларни ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш дастурини тасдиқласин.

10. "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларнинг энг яхшиларини танлаб олиш натижалари бўйича тендер савдоларини ўтказмасдан импорт контрактларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида экспертизадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқарувчилардан мустақил сотиб олиш ҳуқуқи берилсин.

"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни импорт қилишда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) ва янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойларни қуриш доирасида уларни бош пудрат ташкилотларига реализация қилишда қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки:

"Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ томонидан ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни бош пудрат ташкилотларига тўғридан-тўғри шартномалар бўйича реализация қилиш рентабеллиги 5 фоиздан ошмаган нархда амалга оширилади;

"Ўзсаноатэкспорт" АЖга ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листларни импорт қилишда берилган божхона тўловларини ва уларни "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖга реализация қилишда қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилиш тартидаги имтиёзлар ушбу қарор қабул қилинган кунга қадар имзоланган импорт контрактларига нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ билан биргаликда ўн кун муддатда ёғоч-тахта материаллари ва том ёпиш учун темир листлар импортини молиялаштириш манбалари ва механизмлари бўйича таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 июлга қадар муддатда Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизими доирасида ҳисобга олиш ва ҳисобот жараёнини автоматлаштириш, шунингдек, реал вақт режимида "қурилиш материалларини қазиб олиш – ташиш – сақлаш – қайта ишлаш – ишлаб чиқариш – реализация қилиш" занжири бўйича жараённи кузатиб бориш имконини берувчи Идоралараро ҳамкорликнинг ягона интеграциялашган ахборот тизими жорий этилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 17 январь

JAMOATCHILIK NAZORATI

Юртимизда ижтимоий соҳада қабул қилинаётган қарорлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Аҳолини қийнаётган муаммоларга ечим топиш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш бугунги кунда давлат сиёсати даражасидаги устувор мақсадга айланган.

ҲАҚИҚИЙ БАҲОНИ ХАЛҚ БЕРАДИ

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ана шу мақсад йўлида хизмат қилувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Унга кўра, республикамизда илк бор ҳудудларни маҳаллий ҳокимлик, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ идораси раҳбарлари бошчилик қиладиган комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторларга бўлиш амалиёти жорий қилинди. Сектор раҳбарларига одамларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш ва ечимига кўмаклашиш вазифаси юклатилган. Эндиликда уларнинг фаолиятига ўзларига бириктирилган ҳудуддаги реал ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда холисона баҳо берилади.

Ҳудудий сектор раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ўрганиш мақсадида Сурхондарё вилоятининг барча шаҳар ва туманларида "Жамоатчилик назорати" гуруҳлари тузилди. Айни вақтда мазкур тузилмалар томонидан белгиланган график асосида жойлардаги аҳвол атрофлича ўрганилмоқда.

— "Жамоатчилик назорати" гуруҳлари таркибига Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг маҳаллий ва ҳудудий кенгашлари вакиллари ҳам кирган, — дейди вилоят кенгаши раиси Охун Умаров. — Улар ёшларни қийнаётган муаммоларни аниқлаб, ўз хулосаларини сектор раҳбарларига тақдим этмоқда. Баъзи муаммолар ечимига ўзлари ҳам қарашяпти.

Ёшлар иттифоқининг Термиз шаҳар кенгаши раиси Даврон Нормуродов "Мажнунтол" маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган округ комиссияси аъзоси. Шу боис маҳалладаги ҳамма гап-сўзлардан хабардор. Куни кеча Иттифоқчилар "Мажнунтол"лик боқувчисини йўқотган кекса онахон Роуза Ҳамзина хонадонида ҳашар уюштирди.

— Момонинг уй юмушларига қараштик, ҳовлисида ободончилик ишларини олиб бордик, — дейди 6-умумтаълим мактабининг ёшлар етакчиси Наргиза Қурбонова. — Бундан буён Роуза аядан мунтазам хабар олиб турамиз. Ахир, муҳтожларга меҳр-саховат кўрсатмоқ инсонийлик бурчимиз-ку.

TASHABBUS

КУБОК ПАХТАКОРЛИКЛАРДА

Элдор НАВРЎЗОВ

Жиззах олимпия захиралари коллежида мини футбол бўйича туманлараро турнир ташкил этилди. Унда уюшмаган ёшлардан иборат 13 жамоа баҳс олиб борди.

Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган мусобақада спортсевар тенгдошларимиз техник ва тактик маҳоратини синовдан ўтказди. Дастлабки ўйиндаёқ шижоати бошқа жамоалардан устун эканини кўрсатган пахтакорлик спортчилар 1-ўринга сазовор бўлди. Зафаробод тумани термасига 2-ўрин насиб этди.

Гарчи кубокдан қуруқ қолмаган бўлсада, вилоят марказидан анча олисда жойлашган Янгиобод тумани йигитлари юз километрлик йўлни бекорга босиб ўтмаганини исботлади. Туман жамоаси 3-ўринни қўлга киритди.

— Бундай мусобақалар мунтазам ўтказиб турилса, бошимиз кўкка етарди, — дейди Ҳасан Умаров. — Очиғи, маза қилдим! Олис қишлоқларда иқтидор соҳиблари, қалби қайноқ ёшлар кўп. Уларга ўзини намоён этиш учун имкон яратилса, бас. Шундай имкониятни тақдим этган Ёшлар иттифоқига раҳмат дейман.

Ташкилотчилар уюшмаган ёшлар ўртасида махсус турнир энди ҳар ойда ўтказилишини маълум қилди.

DUNYO BIZ HAQIMIZDA

"FASHION UNITED" БИЗНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАДИ

Германиядаги "Fashion United" интернет нашри мамлакатимизда енгил саноат соҳасининг ривожи ҳақида ёзди.

"Ўзбекистон: тўқимачилик маҳсулотлари экспорти 1 миллиард АҚШ долларидан зиёдга ошди" сарлавҳали мақолада республикамизда тўқимачилик саноатини модернизациялаш қандай натижалар бераётгани атрофлича таҳлил қилинган.

Қайд этилишича, ўтган йили Ўзбекистон ташқи бозорларга 1,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида жун, ипак ва пахта толасини экспорт қилди. Бундай юксалишимизга дунёнинг турли мамлакатларида 64 та янги савдо уйининг очилгани ҳам туртки берди.

"Fashion United" Президент Шавкат Мирзиёевнинг маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаётганини алоҳида эътироф этди. Давлат раҳбарининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда тармоққа янги технологияларни жорий этишга доир саъй-ҳаракатлари туфайли 2017 йили тўқимачилик маҳсулотлари экспорти билан шуғулланадиган компаниялар сони 293 тадан 350 тага етди. Шунингдек, умумий қиймати 356 миллион АҚШ долларидан зиёд 34 та сармоявий лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

"Fashion United" пахта экспорти ҳажми бўйича дунёда бешинчи ўринда турадиган Ўзбекистон бундан кейин ҳам соҳадаги имкониятларини кенгайтириб, жабҳанинг экспорт салоҳиятини йилига 2,5 миллиард долларга етказиши ҳамда шу аснода 25 мингта янги иш ўрнини ярата олишига ишонч билдирган.

АҲМАД БАШАР ТУБ БУРИЛИШ ҲАҚИДА ГАПИРДИ

Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Аҳмад Башар 2017 йил Ўзбекистон тарихида туб бурилиш ясаганини эътироф этди.

— Ўзгаришлар шу даражадаки, келажакда бу йил мамлакат тарихининг энг муҳим бурилиш нуқталаридан бири сифатида ёдга олинса керак, — деди элчи. — Барчамиз иқтисодий ва сиёсий, ташқи алоқалар борасида ташланган эътирофга арзигулик қадамлар ва саъй-ҳаракатларнинг шоҳиди бўлдик. Мазкур амаллар халқаро миқёсда ҳам юқори баҳоланди.

Аҳмад Башар 2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакат учун жуда муҳим ислоҳотлар амалга оширилаётганини таъкидлаган. 21 йиллик танаффусдан сўнг эркин валюта курсига қайтилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар, Туризмни ривожлантириш давлат қўмиталари ташкил этилди.

Жаноб элчининг сўзларига кўра, Ўзбекистон ҳукуматининг маҳаллий ва хорижий тадбиркорларга нисбатан дўстона позицияси, бизнес ва сармоя муҳитини такомиллаштиришга доир ҳаракатлари мазкур ўлкани ҳар доимгидан-да жозибали мамлакатга айлантирмоқда.

— Ўзбекистон раҳбарининг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлиса Мурожаатномасини бевосита томоша қилиш ва тинглаш имконига эга бўлдим, — давом этади у. — Президент ўз нутқида ҳукумат фаолияти, давлат хизматчилари, иқтисодиёт ва молия бошқаруви, ижтимоий сиёсат, соғлиқни сақлаш соҳаси, таълим — қисқаси, давлат ва жамият ҳаётига доир ҳар бир жабҳадаги камчиликларни очиқ-ойдин санаб ўтди. Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлари ҳамда 2018 йилда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни батафсил тушунтирди. Бу алоҳида таҳсинга сазовордир.

"EL PAIS" САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИМИЗНИ ЭЪТИРОФ ЭТДИ

Испаниянинг машҳур "El Pais" газетасида мамлакатимизда туризм саноати ривожига бағишланган махсус мақола эълон қилинди.

Ўрта ҳисобда 12 миллионгача ўқувчилар аудиториясига эга йирик нашр Ўзбекистон қадимдан Буюк ипак йўлининг муҳим бўғини саналгани, айниқса, кўҳна Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарлари йирик сайёҳлик ҳамда савдо марказлари сифатида танилгани ҳақида ёзади.

Мақолада қайд этилишича, ўзбек заминидаги маҳобатли архитектура ёдгорликлари, мадраса ва масжидлар, муқаддас қадамжолар зиёрати биронта ҳам сайёҳни бефарқ қолдирмаслиги аниқ.

Шу билан бирга, "El Pais" ўз муштарийларига юртимизнинг бетакрор гўшаларидан бири — сўлим Фарғона водийсига ҳам боришни тавсия қилган.

"SPIEGEL" ЭЪТИБОРИНИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАРАТДИ

Шу кунларда юртимиз сайёҳлик салоҳияти Германиядаги бир қатор нуфузли нашрларнинг эътибори марказида бўлиб қолмоқда.

Масалан, мамлакатнинг номдор "Spiegel" ва "Stern" ҳафталик журналлари Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликлар тавсифига бағишланган махсус иловаларни чоп этди.

Шунингдек, дунё бўйлаб тарқатиладиган "Frankfurter Allgemeine Zeitung" газетаси Ўзбекистонни ўнта энг машҳур йўналишлар сирасига киритди. "2018 йилда қаерга саёҳат қиламиз?" сарлавҳали материалида журнал муҳаррири Мария Виезнер шундай ёзади: "Гарчи ушбу мамлакат номи кимгадир собиқ совет давлатини эслатсада, бу сизни сира тўхтатиб қолмаслиги керак. Сабаби ушбу кўҳна замин азалдан Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашиб, халқлар ўртасидаги маданий алоқаларнинг мустаҳкамлашга хизмат қилган".

Эътиборли жиҳати шундаки, "Frankfurter Allgemeine Zeitung" Ўзбекистонда туристик хизматлар халқаро стандартларга тўлиқ мос эканини айтади. Немис нашри миллий колорит ва меҳмондўстлигимизга ҳам юқори баҳо берган. Нашр сайёҳлар Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларига, албатта, бориши ва кўҳна ёдгорликлар замонавий иншоотлар билан қанчалик уйғунлашганини ўз кўзи билан кўриши кераклигини уқтиради.

"Жаҳон" АА материаллари асосида тайёрланди.

2018-YIL — FAOL TADBIRKORLIK, INNOVATSION G'OYALAR VA TEXNOLOGIYALARNI QO'LLAB-QUVVATLASH YILI

ЯНГИЛИК САРИ ИНТИЛ

Лайло ҲАЙИТОВА

Бухоро автомобиль ва йўллар коллежида Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан техник фанлар бўйича илмий конференция бўлиб ўтди.

— Мазкур тракторни яратиш учун ярим йилдан кўп вақт уриндим, — дейди транспортларни ташиш ва бошқаришни ташкил этиш йўналишида таълим олаётган ёш новатор Шаҳзод Жабборов. — У бир неча мингта деталдан иборат. Ҳаммасини ўзим йиққанман. Осон бўлмади, албатта. Аммо уддаладим! Ишланмамнинг афзаллиги шундаки, у жуда ихчам ва фойдаланишда қулайдир. Атиги 3-4 литр ёнилғи билан 15-20 сотих ерни ҳайдаса бўлади. Йиғим-терим ишларини ҳам бажаради. Шу боис нафақат далада, балки томорқангизда беминнат хизмат кўрсатиши мумкин.

Шаҳзод Жабборовнинг инновацияси конференция иштирокчилари ҳамда ҳакамларда катта таассурот қолдирди. Буни қарангки, коллеж ўқувчиси ҳозиргача ишланмасини амалиётга жорий этиш бўйича бир қанча фермер хўжаликлари билан шартнома тузган.

Анжуман доирасида ташкил этилган кўргазмада Шаҳзод сингари 14 нафар иқтидорли ёшнинг инновацион ишланма ва технологиялари билан танишиб, келажакда бу тенгдошларимиз тараққиёт двигателини ҳаракатга келтирадиган куч бўлишига ишондик.

Мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан самарали фойдаланиш, энергия тежамкор замонавий технологияларни татбиқ этишга кенг эътибор қаратилмоқда. Қуёш энергияси биз учун, айниқса, аҳамиятли. Мазкур само жисми ёруғлигидан энергия ишлаб чиқариш истиқболлари борасида Бухоро вилоятида ҳам илмий изланишлар олиб борилмоқда. Конференцияда Бухоро нефть ва газ коллежи ўқувчиси Раҳматилла Ҳожиевнинг қуёшли сув коллекторларини тадқиқ этиш ва оптимал қуёшли иситиш тизимини яратишга доир лойиҳаси эътиборимизни тортди.

— Тураржой биноларига қуёшли сув коллектори ўрнатилса, иссиқлик тизимига уланишга ҳожат қолмайди. Коллекторда йиғилган ёмғир ва қор сувларини ички қайта ишлов бериш ускунаси орқали оддий қувурлар ёрдамида хоналарга тақсимлаш мумкин, — дейди Раҳматилла кўргазмага қўйилган макетини изоҳлар экан.

Конференция давомида Аҳмад Аҳмедов, Беҳруз Тўхтамишев, Мизроб Наврўзов, Отабек Иноятов, Зафар Камолов каби ёш ихтирочиларнинг ишлари юқори баҳоланди. Якунда барча иштирокчилар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

Ишланмаси кўпчиликка манзур келган Шаҳзод Жабборовга эса, коллеж маъмурияти томонидан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида пул мукофоти ажратиладиган бўлди.

БЎЛАРКАН-КУ, ҒАЙРАТ ҚИЛСА!

Нуроталик ёш фермер Азимбек Азимов 60 тонна мошни Хиндистонга экспорт қилди.

Дилкушо НАВРЎЗОВА

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, маҳаллий ҳокимлик ҳамда божхона бошқармаси ҳамкорлигида "Тадбиркорлар куни" деб номланган лойиҳа амалга оширилди.

Тадбир аввалида навоийлик ёш тадбиркор ва фермерлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш этилди. Кўргазмадан сўнг очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг 2017 йил 15 декабрдаги "Экспортни рағбатлантириш ва маҳаллий товарларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда соҳага доир бошқа янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти тушунтирилди. Кейин ёшлардан фикр-мулоҳазалар тингланди. Биринчи бўлиб Нурота туманидаги "Азим ота" фермер хўжалиги раҳбари Азимбек Азимов сўз олди.

— 21 ёшдаман, — деди у. — Бугунги кунда ўндан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириб келяпман. Биргина мошнинг ўзидан ўтган йили 60 тонна ҳосил олдим. Деярли ҳаммасини ҳинд ишбилармонлари харид қилди. Лекин бу ҳали бошланиши. Жорий йилда, ёнғоқ ва нўхат экспортини йўлга қўймоқчиман. Ҳозирданоқ бир нечта чет эл компаниялари билан шартномалар имзоладик. Фермер хўжалигимни кўп тармоқлига айлантирмоқчиман. Келгусида фаолиятимни кенгайтириш ҳисобига 20 нафар ишчини доимий ва 10 нафарини мавсумий иш билан таъминлай оламан.

"Тадбиркорлар куни" лойиҳаси доирасида Азимбек каби бошқа азаматлар ҳам ўз тажрибаси билан бўлишди. Кўрдикки, орамизда ҳавас қилса арзигулик ёшлар бисёр. Уларга тенглашайлик. Зотан, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз!

BUGUNNING GAPI

БОБОРАВШАН

Ҳозирги глобаллашув, мафкуравий кураш замонида ёшлар тарбияси, уларни ҳеч бир инсоний меъёрларга мос келмайдиган оқимлар таъсиридан асраш ўта муҳим вазифа. Зеро, ҳушёрликни бир лаҳзага йўқотиш кечириб бўлмас оқибатга олиб келиши мумкин. Шу сабабли юртимизда ёшлар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР – ҲАЛОЛЛИКНИ ЎРГАТАР

Фикримизни ўтган йилда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани, қисқа муддатда ташкилот олис ҳудудларгача кириб бора олгани ҳам тасдиқлайди. Қолаверса, оммавий ахборот воситаларида зиёлиларимиз бу борадаги фикрлари билан ёшларни ҳушёрликка чорлаб бонг урмоқда. Лекин бу ҳали биз ёт ғоялар тасъсиридан холи ҳудудмиз дегани эмас. Инчунин, инсонийликка ёт бўлган бу ғоялар сайёрамизнинг исталган ҳудудига биз кутмаган, умуман, тасаввур ҳам қилмаган шаклда кириб бормоқда.

Виртуал ўйинларни олайлик. Уларнинг соғлиғимиз ва онгимизга зарари хусусида шу даражада кўп ва хўп айтилдики, бугун бу ҳақда сўз очсангиз суҳбатдошингиз: "Яна ўша гапми?" — деб қўл телефонидаги ўйинга шўнғиб кетади. Сўнг "машинада одам уриб кетиш, рақибга қурол-дан ўқ узиш" орқали "ғалаба" нашидасини тотаётган ҳамроҳингиздан ҳафсалангиз пир бўлади. Шунча бонг уришлару, огоҳлантиришлар қаерга кетди, ҳайрон қоласиз. Муаммога ечим излай бошлайсиз.

Шу ўринда Жалолиддин Румийнинг:

Мулк йўқким, хорижи олам эрур,
Ҳар неки тиларсен, ўзингда жам эрур,

деган мисралари ёдга тушади. Дарҳақиқат, ҳар қандай муаммога нажотни ўзимиздан, ўзлигимиздан излашимиз керак. Аждодларимиздан қолган бебаҳо маънавий меросдан оқилона фойдаланса, бизни ҳеч қандай ёт ғоя ёки оқимлар ўз домига тортолмайди! Бугунги ёшларни виртуал ўйинларнинг салбий таъсиридан асраш учун ҳам шундай йўл тутмоқ айни муддаодир.

Ёшлар иттифоқи фольклоршунос, этнограф олимлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, халқ ўйинлари ҳақида китоб нашр қилса. Бу ўйинларни бугунги авлодга танитса ва улар ўртасида халқ ўйинлари мусобақаси ўтказилса, деган таклифим бор. Бундай беллашувлар чинакам халқ сайлига айланса, қанийди. Ҳолбуки, бугунги ёшлар варрак учиришни ҳисобга олмаганда, халқ ўйинларининг бошқа турларини билмайди. Билса ҳам ўйнамайди.

Халқ ўйинлари бизни мафкуравий таҳдидлардан асрагувчи қалқондир. Икки жиҳатига алоҳида тўхталсак. Халқ ўйинларининг ҳеч бири ёлғиз ўйналмайди. Демак, сиз, авваламбор, ўзингизга дўст, ҳамроҳ топишингиз керак. Виртуал ўйиндаги каби бутун оламдан узилиб қолмайсиз. Аксинча, инсон ва табиат уйғунлигини ҳис этасиз. Атрофдагиларга инсон кўзи ила теран боқасиз. Ахир, меҳр кўзда дейдилар-ку.

Бошқа томондан, халқ ўйинлари ҳалоллик ва мардликни ўргатади. Виртуал оламдаги каби мағлубиятни тан олмаслик учун ўйинни қайтадан бошлай олмайсиз. Зеро, бу ўйинларда фақат мардлик ва ҳалоллик билан ғолиб бўлиш мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалардан хулоса шуки, "Жаҳолатга қарши – маърифат, ғояга қарши – ғоя", деган шиорга амал қилиб, аждодлардан мерос бўлган халқ ўйинларини авлодларга безавол етказиб берсак, фақат ютган бўламиз.

IQTIDORLI YOSHLAR — MAMLAKAT TAYANCHI

ТАДБИРКОР, ФЕРМЕР ВА МУКОФОТ СОҲИБИ

Сардор БЕКЖОНОВ

Тадбиркорнинг иши бароридан келса, халқ фаровон яшайди деяверинг. Ахир, давлатнинг бирини икки қиладиган ҳам, ризқ-рўзимизга барака қўшадиган ҳам ана ўша омилкор инсонлардир. Шу боис Президентимиз ишбилармонларни бошида кўтариб юришга тайёр эканини айтган.

Хўш, шунча ҳурмат, эътибор ва ишончга яраша мамлакат учун нима қилиб беряпмиз? Кўп гапга ўрин йўқ. Келинг, яхшиси навоийлик Абдулҳай Нусратуллаевнинг фаолияти билан танишайлик. Хулосаси эса, ўзингиздан.

Икки йил аввал Абдулҳай коллежни тамомлаб, ўзини бизнесга урди. Баъзи тенгқурлари каби олиб-сотарлик қилмади. Табиатан меҳнатсевар йигит ҳақиқий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этишга чоғланди. Бу айтишга осон нарса. Аслида эса, йўқдан бор қилмоқ, янгилик яратишнинг ўзи бўлмайди. Анча-мунча тер тўкишга тўғри келади.

Аммо тенгдошимиз метин иродали. Олдида турган барча қийинчиликларни мардонавор енгишга тайёр эди. Яқинлари, айниқса, ота-онасининг далдаси ҳам асқатди. Хуллас, 2016 йилда Абдулҳай Нусратуллаев ташкилотлар ва муассасалар учун махсус кийимларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Yangi avlod textile" оилавий корхонасини очди. Ўша йили "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" танловида ғолиб чиқиб, корхонанинг кейинги ривожи учун етарли сармояни қўлга киритди. Унга тижорат банкидан имтиёзли кредит ажратилди.

48 миллион сўм маблағ "Yangi avlod textile"нинг ички бозорда рақобатбардош брендга айланишига имкон яратди. Абдулҳай янги бизнес режа тузиб, эркаклар дидига мос сифатли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга бел боғлади. Хато қилмабди, Карманадан республика бўйлаб тарқатилаётган кийим-кечаклар тез орада ўз харидорини топди.

Фойда ҳисобидан ёш тадбиркор иш ўринларини кўпайтирди. Энди унинг корхонасида 11 нафар ходим доимий иш билан банд. Шулардан беш нафари яқиндагина касб-ҳунар коллежларини тамомлаган қизлардир.

Абдулҳай беданачиликни ҳам йўлга қўйган. Айни вақтда Нусратуллаевларнинг томорқа хўжалигида икки мингдан ортиқ қуш боқилмоқда. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас.

Яқин истиқболда ёш тадбиркор паррандачилик билан шуғулланишни ният қилган. Инкубаторлар ташкил қилиб, маҳалладош дўстларига бизнесдан сабоқ берай, дейди.

Диёримизда меҳнат қилган ҳор бўлмаслиги аниқ. Сергайрат инсонларнинг ҳамиша қадри баланддир. Уларни нафақат эл, давлат ҳам суяди ва суяйди. Тасдиғини қаҳрамонимиз мисолида кўрдик. Ўтган йили Президент фармонига биноан Абдулҳай Нусратуллаев "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Бугун тадбиркор дўстимиз Ўзбекистон ёшлар иттифоқи сафида. Ташкилотга аъзо бўлгач, иши янаям юришди. Яқин-яқингача Кармана туманининг анча олис ҳудуди — "Уйрот" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли бинода ойига фалон сўм ижара ҳақи тўлаб, фаолият кўрсатаётган бўлса, энди мушкули осонлашди. 2017 йилнинг август ойида Ёшлар иттифоқи ташаббуси билан Абдулҳай тикув цехини Навоий шаҳридаги Ёшлар марказига кўчириб, ижара "юки"дан қутулди. Бундай рағбатдан боши кўкка етган. Ёшларга ўзидан ҳам кўра кўпроқ ишонадиган, ҳар қадамда уларга тиргак бўлаётган Юртбошимиздан жуда миннатдор. Аминмизки, қалби ана шундай самимий туйғулар билан лиммо-лим инсонлар эса, мудом ҳаммага эзгулик илиниб, каттадан-катта марраларга интилиб яшайди.

YUKSALISH

МАҲОРАТ УЧУН МАЙДОН

Равшана КУРЯЗОВА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Хоразм вилояти кенгаши ташаббуси билан "Ёш журналистлар" клуби ташкил қилинди. Янги тузилма Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида фаолият кўрсатмоқда.

Шу кунгача клубга 70 нафарга яқин йигит-қиз аъзо бўлди. Аксарияти талаба ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларидан иборат. Аммо орасида бирон жойда таълим олмайдиган ва ишламайдиган ёшлар ҳам бор. Тўғаракда олинган билим ва кўникмалар улар учун айни муддао. Авваламбор, бўш вақти фойдали машғулотга йўналтирилади. Қолаверса, журналистика соҳасида олинажак маҳорат сабоқлари аксариятининг касб танловида ёрдам берса, не ажаб.

— Ўқув дастуримиз уч ойга мўлжалланган, — дейди "Ёш журналистлар" клуби раҳбари Иқбол Машарипова.— Аъзолар билан ҳафтада тўрт кун учрашамиз. Икки кун назарий, икки кун амалий дарслар ўтилади. Амалий машғулотларга вилоят телерадиокомпанияси, нодавлат теле- ҳамда радио каналлар, шунингдек, газета-журналлар, турли ташкилотларнинг ахборот хизматларида фаолият кўрсатаётган моҳир журналистлар, фоторепортёрлар, оператор ва монтажчилар, матбуот котиблари жалб қилинмоқда. Аъзоларимиз оммавий ахборот воситалари таҳририятларига ҳам бориб, иш ўрганиш имконига эга бўлади. Бу борада "S Iqbol" телеканали ҳамда "Хоразм ҳақиқати" газетаси билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Ўқув курсини тамомлагач, ёшларга махсус сертификатлар топшириш кўзда тутилган.

DAVRA SUHBATI

ШАРОИТЛАР БИСЁР, ФАОЛЛИК КЕРАК

Тўмарис АЪЗАМ

Жисмоний имконияти чекланган тенгдошларимизнинг жамиятга мослашишига кўмаклашиш, бандлигини таъминлаш, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида ўтган йили Тошкент шаҳрида Кўзи ожиз ёшлар маркази ташкил этилганди. Ҳозирда унинг юз нафардан ортиқ аъзоси бор. Муассаса томонидан кўзи ожизлар манфаатлари йўлида қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Куни кеча "Меҳр ва мурувват" жамоат фонди билан ҳамкорликда ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Тадбирда жисмоний имконияти чекланган ёшлар учун яратилаётган шароитлар, уларни ўйлантираётган муаммолар хусусида сўз борди.

Кўзи ожиз ёшлар маркази раиси Суннатилло Дангалов ногиронларни эъзозлаш, пенсия тўловлари, тиббий кўрикдан ўтказиши, соғломлаштириш ва реабилитация, дори-дармонлар билан таъминлаш масалаларида кўмаклашиш, юзага келаётган муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, ечим излаш зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, давра суҳбати давомида пойтахтимиздаги имконияти чекланганлар учун ихтисослаштирилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган кўзи ожиз ёшлар ўртасида "Заковат" интеллектуал мусобақаси ўтказилаётгани маълум қилинди.

— Тадбир баҳонасида янги марказ фаолияти билан яқиндан танишдим, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Кундузхон Туремуратова. — Бу ерда махсус қурилмалар орқали аудиокитобларни тинглаш, хорижий тилларни ўрганиш имконияти бор экан. Жуда хурсанд бўлдим. Келажакда ўқитувчи бўлмоқчиман. Ўзим каби инсонларга таълим берсам дейман.

Якунда "Меҳр ва мурувват" жамоат фонди томонидан кўзи ожиз ўқувчиларга ҳомийлик асосида брайль алифбоси туширилган дафтарлар ҳамда компьютер жамланмаси тақдим этилди.

www.yoshlarovozi.uz
yoshlarovozi@umail.uz

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

YOSHLAR OVOZI

SIZ NIMA DEYSIZ?

ИСМ УЯЛТИРМАСИН

ШОҲИДБЕК

Инсон дунёга келгач унга исм қўйилади, албатта. Фарзандига мос ва муносиб исмни олдиндан танлайдиганлар ҳам бор. Ота-боболаримиз ушбу масъулиятли жараёнда чақалоқнинг туғилган санаси, куни, ҳатто йил фаслини ҳам инобатга олган. Масалан, жума куни туғилган қиз фарзандга Жумагул, ўғил болага эса, Жумавой, деб исм қўйиш одати халқимизда ҳали ҳам мавжуд.

Акам ўғилли бўлганида аҳли мусулмонларга хос таомилга кўра, дин пешвоси чақалоқнинг қулоғига исмини қўшиб, баланд овозда азон айтганди. Шунданми, жияним исмини эшитса, шартта қарайдиган бўлди. Аслида ҳар қайси исм ўз соҳибининг келгуси тақдири билан чамбарчас боғлиқдир.

Таассуфки, ҳозирда айрим ёш отаоналар зурриёдига бошқа миллатга хос, борингки, ҳатто хорижий сериал ва фильмлар қаҳрамонларининг исмини қўйишдан ийманмаяпти. Ўзлигимиз ва ўзбеклигимиз қаерда қолди, ахир?! Чет элликка ҳавас қилиб барака топармидик?! Тарихда не-не юксак мартабали, пиру комил, илмда тенгсиз аллома аждодларимиз ўтган. Уларнинг муборак номларини фарзандларимизга қўйсак, бирон еримиз камайиб қолмайди-ку! Аксинча, буюклар руҳини шод этган бўлардик. Жилла қурса, она тилимизнинг ҳурматини жойига қўймоқ зарур. Зотан, халқимиз маънавий бисотида инсонга зийнат бўлгувчи, маънили исмлар кўплаб топилади.

Яна бир гап: баъзи ҳамюртларимизнинг бир-бирига мурожаати ва муносабатини кузатиб таажжубланасан, киши. Нима эмиш, ҳозир дўсту биродарларни ҳақиқий исми эмас, балки тахаллуси, кўпол қилиб айтганда, лақабини айтиб ёки исмини эркалатиб чақириш урфга кирган! Шу боис Кудрат ва Қувончлар тилимизда Коляга, Гулбаҳор ва Гулилар Гуляга айланиб қолмоқда. Биз — ўтмиши ва маънавияти бой миллат вакиллари эса, жим. Бундай маданиятсизликни кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка оламиз ўзимизни. Хиёл одатланиб қолгандекмиз. Ваҳоланки, лоқайдлик энг катта душман, маънавий таназзулга етакловчи қирғинбарот куч экани китобларда хўп ёзилган. Демак, ойдек равшан, оддий ҳақиқатни англаб етиш учун китоб ўқиш керак, холос.

Бироқ ҳозир вазият ўзгача — китоб мутолааси ўта оғир масалага айланиб бўлди. Бошқа бир аччиқ ҳақиқат шуки, мутолаадан йироқлашган авлод асл қадриятлар ўрнини бир пулга қиммат сохта "маданият"га бўшатиб беради. Алалоқибат, таназзулга учраши аниқ. Энди ўйлаб кўрайлик: кўҳна анъаналарни бир четга суриб, дилбандларимизга бўлмағур исм қўйишлар бизни шу йўлга бошламаслигига ким кафил?

Исм — инсоннинг маънавий либоси. Унда, аввало, Яратганнинг ўзи қалбимизга солган пок ниятлар, эзгу истаклар мужассамлашмоғи даркор. Маънавий либосни бузиш ёки ўзгартиришга эса, ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Сиз нима дейсиз?

"ШОҲ ВА ШОИР МЕРОСИ" ВИКТОРИНАСИ

Беҳзод ва Мансур Мирзо Бобур ҳақида суҳбатлашаётиб, бахслашиб қолди. Беҳзод: "Шоҳ Бобур аскарлари милтиқдан фойдаланган. Ўша замонда ҳам пилтамилтиқ (муштек) бўлган", — деди. Мансур эса, бу фикрга қарши чиқиб, у пайтда милтиқ умуман бўлмаганини айтди.

Савол: айтинг-чи, бу баҳсда ким ҳақ?

Жавоблар 22 январгача қабул қилинади.

yoshlarovozi@umail.uz

@yoshlar_ovoziuz

5-сонда эълон қилинган викторина саволининг жавоби қуйидагича:

"Ҳумоюннома" асарининг настаълиқ хати билан битилган ягона нусхаси Британия музейида сақланади.

Тўғри жавобни **Насиба Мардиева** йўллади.

1 САВОЛГА ЖАВОБ

— Аммаси қизимга Янги йил совғаси сифатида ширинликлар олиб келди. Пакет ичидан менга таниши чиқиб қолди. Аввалига ўша ўзим билган хорижнинг шоколадли вафлиси, деб ўйладим. Кейин яхшироқ назар солдим. Номида битта ҳарф ўзгарган — "Джек" ўрнига "Джак" деб ёзиб қўйилибди. Дизайни эса, ўша-ўша. Қадоғининг рангида озгина фарқ бор, холос. Ҳайрон қолдим. Кўзим "алданибди"-я! Наҳотки, тадбиркорларнинг шундай ғирромлик қилишига қонун йўл қўйиб берса?!

Дилфуза МАВЛОНОВА
Тошкент шаҳри

Саволга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги саноат намуналарининг давлат илмий-техник экспертизаси ва товар белгиларининг экспертизаси бўлими бошлиғи Дилмурод Шерматов жавоб беради:

— Исталган маҳсулот ёки хизмат ўз товар белгиларига эга бўлишини ҳамма яхши билади. Уларга қўйиладиган талаб ва мезонлар 2001 йилнинг 30 августида қабул қилинган "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида аниқ кўрсатилган.

Савол эгасининг эътирози жуда ўринли ва юз фоиз ҳаққонийдир. Бироқ, гап шундаки, маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркор товар белгисини давлат рўйхатидан ўтказиши шарт эмас. Мазкур амалиёт бутун дунёда, шу жумладан, юртимизда ҳам ихтиёрий ҳисобланади. Борди-ю, ишлаб чиқарувчи товар белгисини рўйхатдан ўтказмоқчи бўлса, соҳадаги ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига талабнома тақдим этиши керак. Биз товар белгисини экспертизадан ўтказиб, тегишли хулоса чиқарамиз.

2009 йил 29 июлда Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган "Товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабнома тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари"нинг 106-113 бандларига кўра, **бир товар белгиси фонетик ёки дизайн жиҳатдан иккинчиси билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки унга айнан ўхшаш бўлса, давлат рўйхатидан ўтказилмайди**. Шу мазмундаги норма юқорида тилга олинган қонуннинг 10-моддаси 13-бандида ҳам мавжуд.

Сиз келтирган мисолда шоколадли вафлининг номида фақат бир ҳарф ўзгарган *(суратларга қаранг)*. Демак, фонетик ўхшашлик бор. Қолаверса, ёрлиқнинг умумий кўриниши: сурат, нақш, ранг, ҳатто болакай қўлидаги мусиқали асбоб ҳам аслидагидан деярли фарқланмайди. Бундан чиқди, товар белгисига нисбатан эгалик ҳуқуқи бузилган.

Интеллектуал мулк объектлари, хусусан товар белгиларидан фойдаланиш билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда суд орқали ҳал этилади. Агар суд даъвони қаноатлантирса, ноҳалол рақобатчи шу муддатгача ишлаб чиқарган барча маҳсулотларни истеъмолдан чиқариб, ёрлиқларини йўқ қилиб юбориши шарт.

HIKMAT

ҚАЛБДАГИ НИҲОЛЛАР

Бир давлатманд одамнинг ўғли ёмон хулқли бўлиб, салбий одатларини ҳеч ташламас экан. У фарзандини тарбиялаш мақсадида уйига донишмандни таклиф қилибди. Отанинг муддаосини англаган устоз йигитни ёнига олибди-да, боғ бўйлаб сайрга чиқибди.

Иккиси суҳбатлашиб кетаркан, донишманд йигитдан ерда ўсаётган ниҳолни юлиб ташлашни сўрабди. Йигит икки бармоғи билан ниҳолни осонгина кўчириб олибди. Шундан кейин устоз йигитга дарахтни юлишни буюрибди. Йигит бор кучини ишлатиб, дарахтни ердан суғурибди.

— Энди эса, манавинисига уриниб кўр, — деди устоз сертомир дарахтга ишора қилиб.

Йигит қанчалик ҳаракат қилмасин, дарахт жойидан қўзғалмасмиш.

— Бунинг иложи йўқ, — тан олибди йигит.

— Ана кўрдингми, ёмон одатларимиз ҳам кўчатга ўхшайди, — деди устоз. — Аввалига ниҳол кўринишида бўлади. Сўнг кичикроқ дарахт, кейин эса, улкан дарахтга айланади. Уларни навниҳоллигида қалбимиздан юлиб ташласак, балодан қутуламиз. Аммо вақт бой берилган сари улар томир отиб, бутун танамизни занжирбанд этади. Ўшанда минг уринганимиз билан иллатдан қутулолмаймиз.

Бу гапларни эшитган йигит хулқини тўғрилаб, қалбида унаётган ёмонлик "кўчат"ларини вақтида суғуриб ташлашга аҳд қилибди.

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА *таржимаси.*

ASLIYATDAN TARJIMA

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ПАЛЛАСИ

Инглиз тилидан
Манзура БОБОРАЗЗОҚОВА
таржимаси.

(эртак)

Қиш фасли эди. Кун аёз...

"Қандай бахтсизман-а! — дебди хўтик, — ҳаво ҳам жуда совуқ. Емоққа ўт-ўлан йўқ. Эҳ, қачон баҳор келар экан-а?!".

Баҳор ҳам келди. Қуёш чарақлаб, ҳаво исиб кетди. Хўтик яшил майсадан тўйибди. Аммо баҳорда унинг иши кўпайиб, эрта тонгдан қош қорайгунча даладан бери келмайдиган бўлибди.

Кеч тушганда чарчаб уйга қайтгач: "Қачон ёз келаркан-а!" — деб хўрсинибди хўтик. — Ёзда иш бунчалик кўп бўлмайди".

Ёз келибди, аммо бечора хўтик баҳордагидан кўра кўпроқ — эрта саҳардан кечгача ишлай бошлабди. Кунлар жуда иссиқ, узун, тун эса қисқа экан. Хўтик кўп ишлар, лекин жуда кам ухлар экан.

— Ёзни ёмон кўраман. Эҳ, қачон куз келар экан, — деб йиғлабди хўтик...

Куз келибди, бироқ янги ишлар бошланиб кетибди. Боғдан олма, ўрмондан ўтин ташир, лекин ухлашга вақт қолмас экан.

— Кузни ёмон кўраман. Эҳ, қачон қиш келар экан, — деб яна кўзёш тўкибди хўтик. — Қишда қиладиган иш бўлмайди, кўпроқ ухлайман. Эҳ, қандай яхши бўлади-а! Қиш — йилнинг энг яхши палласи!...

SENING TENGDOSHING

ЎЗИМИЗНИКИ АЙНИ МУДДАО

Нозима МИЯССАРОВА

Эшик тақиллаб, кўҳликкина қиз бўй кўрсатди. Салом-аликдан кейин маълум бўлдики, газетага мақола олиб келган. Мавзусини сўрадим. Аввалига муаллиф ўзини таништирди. Қумқўрғон тумани Қарсоқли хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Зебо Назарова экан.

Зебо ёшларнинг одатий уст-бошига айланган футболкалар сиртидаги айрим суратлар инсон психологиясига салбий таъсири ҳақида сўз очди. Бунинг ўрнига миллий руҳ уфуриб турган тасвирлардан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлиши, шу орқали ёшларда асрий қадриятлар ҳамда тарихимизга ҳурматни кучайтириш мумкинлигини айтди. Буни қарангки, тенгдошимиз ушбу фикрга таяниб, янги лойиҳани ҳам бошлаб қўйган экан.

Эшитиб қувондим. Наинки ўзи, балки юрт келажаги ҳақида шунчалик қайғураётган тенгдошларинг борлигидан ростмана фахрланасан, киши.

Зебонинг таъкидлашича, миллий тусдаги кийимлар ўрамида либос қандай матодан тикилгани, ундаги тасвирнинг маъно-мазмуни тўғрисида батафсил маълумот бериш лозим. Айтайлик, бу тарихий шаҳар тасвири бўлса, ўзбек шоирларининг у ҳақда битган сатрларидан ёзиб қўйиш мумкин. Бордию, кураш тушаётган полвонлар акс этса, миллий спортимиз — курашнинг тарихига доир фактлар берса бўлади.

Улкан муваффақиятлар, кичик ютуқлардан бошланади. Умид қиламизки, келгусида Зебо Назарова ўз лойиҳасини такомилга етказиб, тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшади.

YOSHLIK ILHOMI

ПЕШОНА

Шоҳрух НАЖОТ,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

— Хотин, Умар қўнғироқ қилди. Бу ой пул жўнатмас экан.

— Ўзи шу ўғлингизнинг топгани ўзидан ортмай қолди.

Икки ойдан сўнг.

— Умаржондан айрилиб қолдик, онаси! Болам бечора икки ойдан бери касалхонада экан. Бу қандай кўргилик?! Умаржон, болам..!

ОМАДСИЗЛИК

— Иқтидорингиз бизни лол қолдирди. Биз билан ишлашга розимисиз?

— Мен олий маълумотли эмасман, қабул қиласизларми?

— Кечирасиз...

УСТОЗ

Шоҳрух НУРАЛИЕВ,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

Баҳор эди. Шанбалик ниҳоялаб қолганди. Шу пайт кафедрамиз мудири қўлида бир тўп кўчат кўтариб келди.

— Шуни ҳам экиб қўярсизлар, — деди у устозимиз Маъмур Умаровга қараб. Домланинг ёнида турганим боис, табиийки, биринчи бўлиб кўзига ташландим.

— Э, ана ёрдамчи ҳам топилди! Келинг энди, бир савобнинг бошини тутинг. Шу кўчатни бирга экамиз.

Мен чуқур очдим. Қишлоқ боласимасманми, билағонлигимни исботлай дедим-да:

— Домла, бу беҳи пишса ошга босамизда-а?

— Йўқ, босолмаймиз, чунки бу жийда. Мана қаранг, тиканлари ҳам бор.

— Мен ҳам дарахтнинг фарқига бораман. Мана, танаси оқиш, ҳовлимиздаги беҳининг ўзгинаси.

Шундай қилиб, домла ўзининг гапини, мен эса, ўзимникини исботлашга уриндик. Кўчат экилди, аммо баҳс тугамади. Мен ҳамон "беҳи", дея домлани "уриб енгардим". Ичкаридан мудиримиз бўй берди. Ёнимизга келиб:

— Худо хоҳласа сизлар эккан бу жийда тез ўсади.

Юзим ловиллаб кетди. Қани энди, ер ёрилса-ю, ичига кириб кетсам. Ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Устоз буни афтангоримдан илғаган бўлса-да, ҳақ эканини писанда қилмади. Мени хижолатдан қутқарди. Минг қилса ҳам, УСТОЗ-да. Биргалашиб кўчат учун сув ташидик...

Айтгандай, ўтган йили жийда гуллади, ифори институт ҳовлисини тутиб кетди.

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Интеллектуал салоҳиятингизни синаб кўришингиз учун газетанинг 104-сони (27 декабрь 2017 йил)да "Yangi yil" чайнворди ҳамда 5-сони (13 январь 2018 йил)да "Ona vatan posbonlari" кроссвордини эълон қилгандик. Қуйида уларнинг жавоблари келтирилмоқда.

«YANGI YIL» БИЛИМДОНЛИК МАШҚЛАРИНИНГ ЖАВОБИ

CHAYNVORD

1. Odamiylik. 2 "Kuygay". 3. Yilnoma. 4. Avloniy. 5. Yil. 6. Layka 7. Ayazata. 8. An'ana. 9. Alyaska. 10. Aka. 11. Ayyom. 12. Misr. 13. Rashidov. 14. Vetnam. 15. Milod. 16. Do'stlik. 17. Kurash. 18. Shayxzoda. 19. Ajabsanda. 20. Askiya. 21. Avstraliya. 22. Asr. 23. "Rohat". 24. Taqvim. 25. Mandarin. 26. Nurafshon. 27. Navro'z. 28. Zang. 29. Grinvinch. 30. Cho'pon. 31. Norin. 32. Non. 33. Nippon. 34. Nuroniy. 35. Yaldo.

MUAMMONOMA

Kalit so'zlar: 1.Umar Hayyom. 2. It. 3. "Jahon". 4. Dehqon. 5. "Lazgi". 6. Kabisa. 7. Sharq.

Raqamlarda: "Boshlanayotgan yil xalqimizga barcha jabhada baxtu omad olib kelsin!"

"ONA VATAN POSBONLARI" БИЛИМДОНЛИК МАШҚЛАРИ ЖАВОБИ

MUAMMONOMA

Kalit so'zlar: 1. Termiz. 2. Shtab. 3. Qo'shin. 4. Poligon. 5. Strategiya. 6. Flot. 7. Hudud. 8. Kuch.

Raqamlarda: "O'zbekiston Respublikasini himoya qilish – O'zbekiston Respublikasi har bir fuqarosining burchidir".

KROSSVORD

Diagonal bo'yicha on'gga: 1. Razvedka. 3. Qo'mondon. 8. Istehkom. 10. Tank. 28. Armiya.

Diagonal bo'yicha chapga: 2. Doktrina. 3. Qahramon. 8. Iste'dod.

Eniga: 4. Mard. 5. Askar. 9. Disk. 21. Sir.

Bo'yiga: 6. Kalibr. 7. Radar. 10. Toshkent. 11. Do'stlik. 12. Merganlik. 20. Kursant. 28. Ambrazura. 29. Akvatoriya. 30. Chiniqish. 31. Shtab.

Yoylar bo'yicha: 12. Mashq. 13. Qalqon. 20. Kreyser. 22. Raport.

Harflar bo'yicha "zanjir" holida: 14. Artilleriya. 15. Aerostat. 16. Taktika. 17. Aviatsiya. 18. Azimut. . 19. Tanker. 23. Qo'ndoq. 24. Qilich. 25. Chegara. 26. Atom. 27. Miltiq.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

ISSN 2030-6996

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Маламин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – *бош муҳаррир ўринбосари* ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — *бош муҳаррир ўринбосари* ("Молодежь Узбекистана"); Санжар Исматов – *масъул котиб* ("Yoshlar ovozi"); Елена Калинина – *масъул котиб* ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович

Навбатчи
Жавлон Вафоев

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-136.
Адади — 24352

Босмага топириш вақти – 21.00
Топширилди –23.50
Ўзл якуни – 23.15

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5